III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2019 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 7650,2 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 102,1 фоизни, шу жумладан, ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 4098,5 млрд. Сўмни (102,7 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 3359,8 млрд. сўмни (101,5 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган ҳизматлар ҳажми 21,2 млрд. сўмни (55,0 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 30,8 млрд. сўмни (145,9 фоиз), овчилик хўжалигида 0,4 млрд. сўмни (100,0 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 139,5 млрд. сўмни (102,8 фоиз) ташкил қилди.

2019 йилнинг январь-сентябрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 77,3 фоиз).

2019 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши

(фоиз ҳисобида)

<u>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида кичик бизнеснинг ўрни</u>

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қишлоқ, ўрмон ва балиқхўжалигида кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,9 фоизга ошиши таъминланди, шунингдек ўз навбатида кичик бизнеснинг жами қишлоқ, ўрмон ва балиқхўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши эса 96,5 фоизни ташкил этмоқда.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида кичик бизнеснинг хажми, шахар-туманлар кесимида

(фоиз ҳисобида)



Аҳоли жон бошига қишлоқ, ўрмон ва балиқхўжалигидамаҳсулот ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Қувасойшаҳарида (3 522,3 минг сўмни ёки 111,6 фоизни), Сўхтуманида (1 455,6 минг сўмни ёки 109,6 фоизни), Риштон туманида (2 741,8 минг сўмни ёки 108,3 фоизни) вилоят кўрсаткичидан энг юқори ва аксинча Қўқон шаҳарида (425,8 минг сўмни ёки 81,3 фоизни), Ёзёвон туманида (2 328,8 минг сўмни ёки 90,6 фоизни), Фурқат туманида (2 118,0 минг сўмни ёки 92,3 фоизни) энг паст кўрсаткичлар кузатилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажмини аҳоли жон бошига тўғри келиши ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари



Деҳқончилик. 2019 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 4098,5 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 102,7 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 55,0 фоизни ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилда барча тоифадаги хўжаликлар 248702 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланиб, шундан жами дон 111715 гектарни, шу жумладан бошоқли дон 105343 гектарни, шундан буғдой 104547 гектарни, маккажўхори дон учун 4018 гектарни, шоли 751 гектарни, дуккакли дон экинлари 1416 гектарни, техник экинлар жами 85175 гектарни, шу жумладан ғўза майдони 83636 гектар, мойли экинлар 335 гектар, картошка 11058 гектарни, сабзавотлар жами 23639 гектарни, полиз 2832 гектарни, озуқа экинлари 14116 гектарни, бундан ташқари мевалар ва резаворлар майдони 46798 гектарни ҳамда токзорлар 6177 гектарни ташкил этди.

Ҳосилни йиғиб олиш. Барча тоифадаги хўжаликларда 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига дон жами 455521 тонна (114,8 фоиз), шу жумладан, бошоқли дон 439955 тонна (114,5 фоиз), маккажўхори дон учун 10244 тонна (112,4 фоиз), бошқа донлар 5322 тонна (158,1 фоиз), картошка 184118 тонна (106,4 фоиз), сабзавот 381038 тонна (100,0 фоиз), мевалар153155 тонна (103,4 фоиз), узум 1892 тонна (106,5 фоиз)етиштирилди.

2019 йилнинг январь-сентябрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		*Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	минг тонна	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*
Дон-жами	426,4	128,1	14,9	24,9	14,2	337,8
Шу жумладан: бошоқли дон	425,1	127,8	0,6	1,2	14,2	339,4
маккажўхори дон учун	0,1	420,0	10,1	111,4	-	-
бошқа дон экинлари	1,1	2,6м	4,2	127,3	-	-
Картошка	1,5	116,5	180,2	105,2	2,4	579,1
Сабзавотлар, жами	5,8	55,0	372,9	101,0	2,3	194,3
Полиз, жами	0,7	33,2	3,4	108,9	-	-
Мевалар, жами	63,1	108,5	88,0	100,3	2,1	94,6
Узум	0,1	51,4	1,8	110,0	-	-

2019 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Дон, жами *(тонна)*



шу жумладан: бошоқли дон *(тонна)*

Маккажўхори дон учун *(тонна)*



Бошқа дон экинлари *(тонна)*

Картошка *(тонна)*



Сабзавотлар, жами *(тонна)*



Полиз, жами *(тонна)*



Мевалар, жами *(тонна)*



Чорвачилик. Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2019 йилнинг январь-сентябрида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 3359,8 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 101,5 фоизни (2018 йилнинг январь-сентябрида 106,5 фоизни) ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 45,0 фоизни ташкил этди.

2019 йилнинг 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 997,4 минг бош (100,0 фоиз), шу жумладан сигирлар 360,7 минг бош (2,2 фоизга), қўй ва эчкилар 857,5 минг бош (3,2 фоизга), отлар 8,8 бошга (1,1 фоизга кам), паррандалар 8 246,4 минг бошга (27,1 фоизга) кўпайди.

2019 йил 1 июль ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар

	Фермер хўжаликлари		*Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	минг бош	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг бош*	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг бош*	*ўсиш суръати, фоизда*
Йирик шохли қорамоллар	48,1	99,0	940,3	100,4	9,0	73,8
шу жумладан:						
сигирлар	14,4	94,7	343,9	102,6	2,4	88,9
Қўйлар ва эчкилар	55,8	138,5	796,5	101,3	5,2	115,6
Отлар	1228	109,1	7446	97,4	139	97,2
Паррандалар	845,0	142,8	4850,8	114,6	2550,6	153,1

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,3 фоизни, фермер хўжаликларида 4,8 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда –95,3 ва 4,0 фоизни, қўйлар ва эчкилар – 92,3 ва 6,5 фоизни, отлар – 84,5 ва 13,9 фоизни, паррандалар – 58,8 ва 10,2 фоизни ташкил қилди.

2019 йил 1 июль холатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар

Йирик шохли қорамоллар *(минг бош)*

шу жумладан: **сигирлар** *(минг бош)*



Қўйлар ва эчкилар *(минг бош)*



Паррандалар *(минг бош)*



Отлар *(бош)*

2019 йилнинг январь-сентябрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 76,9 минг тонна гўшт (2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 1,3 фоизга кўп), 442,0 минг тонна сут (1,4 фоиз), 267,3 млн. дона тухум (11,9 фоиз), 900 тонна жун (5,6 фоиз), 1836,8 тонна пилла хом-ашёси,818,2 тонна асал ишлаб чиқарилди ҳамда 2026 тонна балиқ(137,6 фоиз) овланди.

Мамлакатимизда паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек вилоятимизда аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳамда берилаётган имтиёзли кредитлар натижасида вилоятимизда 2019 йил 1 июль ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда паррандалар 8 246,4 минг бошни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 27,1 фоизга кўп, шундан фермер хўжаликларида 845,0 минг бош (42,8 фоиз)га, деҳқон (шахсий ёрдамчи хўжаликлари)да 4 850,8 минг бош (14,6 фоиз)га, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 2 550,6 минг бош (53,1 фоиз)га кўпайган.

Тухум етиштириш барча тоифадаги хўжаликларда 267,3 млн. донани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 11,9 фоизга ёки 28,4 млн. донага ошган, шундан фермер хўжаликларида 50,0 млн.дона (71,6 фоиз)га, деҳқон (шахсий ёрдамчи хўжаликлари)да 172,0 млн.дона (0,7 фоиз)га, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 45,3 млн.дона (16,3 фоиз)га кўпайган.

2019 йилнинг январь-сентябрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		*Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	миқдори	*ўсиш суръати, фоизда*	*миқдори*	*ўсиш суръати, фоизда*	*миқдори*	*ўсиш суръати, фоизда*
Гўшт, тирик вазнда, *минг тонна*	3,0	169,3	69,0	100,6	4,9	110,9
Сут, *минг тонна*	21,2	176,1	419,4	99,5	1,4	67,5
Тухум, *млн. дона*	50,0	171,6	172,0	100,7	45,3	116,3
Жун, *тонна*	35	116,7	863	105,1	2	200,0
Овланган балиқ, *тонна*	1374	152,8	142,9	95,9	509,0	120,0

2019 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Гўшт *(минг тонна)*

Сут *(минг тонна)*



Тухум *(млн. дона)*

Жун *(тонна)*

Пилла *(тонна)*



Балиқ *(тонна)*